

ЎЗЛАРНИНГ СЕМАНТИК СИЛЖИШИ ВА ТЕРМИНОЛОГИЯ

Сададдин Жалилов – НукусДПИ Ўзбек тили кафедраси

Тилшуносликда энг долзарб, ниҳоятда мураккаб, назарий ҳамда амалий аҳамиятга молик соҳалардан бири терминологиядир. Шу боис турли соҳалар терминлари тарихи, уларнинг маъно ва мавзувий гуруҳлари, тузилиши ва ясалиши, тараққиёти ва бойиш манбалари, луғатлари ва назарий масалалари етакчи тилшунос-терминшуносларнинг диққат марказида. Бу борада дастлаб Улуғ Турсунов, С.Акобиров, Н.Маматов, кейинчалик Ҳ.Жамолхонов, Р.Дониёров, Ҳ.Бектемиров, А.Мадвалиев ва бошқа кўплаб тилшунослар ўзбек тили терминологияси масалаларига ойдинлик киритишга ҳаракат қилган. Тадқиқотларда терминология соҳасида рўй берган ва рўй бераётган чалкашликлар: бир тушунчанинг турлича аталиши, аниқ ва ихчам терминлар ўрнига узундан узок изоҳларнинг берилиши, термин яратишда она тили имкониятлари ва меъёрларига амал қилмаслик, терминологияни бойитишдаги манбалардан бири ташқи омилга турлича ёндашиш кабиларга урғу берилади.

Терминларнинг муҳим хусусияти шундаки, улар кўп маъноли бўлмайди, кўчма маъноларда ишлатилмайди. Лекин амалиётда баъзи бир сўзларнинг икки-уч маънода термин бўлиб келиши ҳам учрайди. Масалан, ҳозирги ўзбек тилида ассимиляция (физика, тилшунослик, тарих), операция (тиббиёт, молия, ҳарбий иш), морфология (тилшунослик, ботаника, зоология) кабилар ҳар хил фан соҳалари доирасида термин сифатида қўлланилади. Аммо бундан терминлар ҳам кўп маъноли бўлар экан, деган хулоса чикмайди. Уч маънода уч соҳанинг термини сифатида уч хил маъно юкини ташишга хизмат қилган. Бундай ҳолатларни кўплаб учратиш мумкин. Жумладан, **оқим** сўзини олиб кўрайлик:

1. Гидрология соҳасида: Маълум бир томонга оқаётган сув тезлиги (Оқимни ўлчаш) маъносидаги термин.
2. Физика соҳасида: берилган вақт бирлиги ичида ўтаётган тўлиқ энергия миқдори (Ёруғлик оқими) маъносидаги термин.
3. Ижтимоий-сиёсий соҳада: Ижтимоий фаолият, илм-фан, сиёсат ва шу кабиларнинг бирор соҳадаги йўнанашиш, қараш (Сиёсий оқим) маъносида қўлланиладиган термин.

Ўзбек тили терминологик тизимларининг ривожланиши, шаклланиши ва такомиллашувида шу тилнинг ички имкониятлари асосий ролни ўйнайди. Чунки ҳаётда рўй бераётган улкан ўзгаришлар, фан ва техника ҳамда

маданиятнинг ривожланиши тилнинг ички имкониятларидан атрофлича фойдаланишни тақозо этади. Ҳар бир тилда бўлганидек, ўзбек тилида ҳам у ёки бу тушунчани ифодалаш учун бир қанча усуллардан фойдаланадилар. Яъни терминларнинг семантик йўл ҳисобига бойиши, терминларнинг морфологик усул билан ясалиши ва терминларнинг синтактик йўл билан ясалиши.

Бир қатор терминологик тизимларда семантик йўл билан термин яшадан унумли фойдаланиб келадилар. Чунки семантик сўз яшаш терминологияда амал қилинадиган доимий ва анъанавий йўлдир. Терминларни таҳлил қилиш қатор лексик қатламлар семантик ўзгариш туфайли терминологик тизимдан жой олиши мумкинлигини кўрсатди. Улар бирор маънони ифодалаш учун хизмат қиладиган ўзбек тилининг одатдаги сўзларидир. Бундай сўзларни ижтимоий-сиёсий терминологияда ҳам кўплаб учратиш мумкин. Улардан термин сифатида фойдаланилади. Қуйида ўзбек тилининг изоҳли луғатида берилган айрим сўзларнинг терминлашиш ҳодисасига мисоллар келтирамиз.

1. **Давлат I** [а.–мамлакат] Ўз фуқароларининг ижтимоий-сиёсий ҳуқуққарини ҳимоя қилувчи, бунга қарши турувчи кучларнинг қаршилигини синдирувчи ҳокимият органлари ва сиёсий ташкилотлари тизимига эга бўлган мустақил мамлакат. *Ўзбекистон давлати. Темурийлар давлати. Давлат аппарати.*

Давлат II [а. – бойлик] **1** Бойлик, мол-дунё, мол-мулк. *Яхши ният – ярим давлат. Мақол. Давлат тугар, билим тугамас. Давлати кўтаради.*

2 кўчма Маънавий бойлик; бахт, омад. *Соғлигинг – давлатинг. Мақол. Ҳамжиҳатлик – давлат, Ёлғизлик — кулфат.*

3 кўчма (ў.-п.к. билан) Орқасида, соя-сида, кўмагида. *Отангинг давлатида тезроқ тўйни қил...*

2. Нутқимизда кўп қўлланиладиган куч сўзи ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин.

а) физика терминологиясида: ***Ot kuchi*** yoki ***HP 75*** kilogrammlik yukni 1 sekundda bir metr balandlikka ko'tarish uchun zarur bo'lgan quvvatga teng.

б) биология терминологиясида: ***Bilak kuchi*** 1) *qo'l kuchi, jismoniy kuch.* *M: G'alla xalqimizning peshona teri, bilak kuchi bilan bunyodga kelganligi uchun ham aziz va muqaddasdir.* 2) ***mehnat va uning mahsuli.*** *M: Xonlar, podshohlar hazinasidagi oltinlar manbai ham fuqaroning bilak kuchidir.*

в) ижтимоий-сиёсий терминологияда: *куч – бирон бир гуруҳ ёки сиёсий бирлашманинг иродасини ифодаловчи тушунча. М: Сиёсий куч, партиянинг таъсир кучи каби.*

Тилимиздаги **бош** сўзи семантик силжиш натижасида турли соҳаларнинг терминологиясидан жой олганини кўриш мумкин:

Бош 1. Тананинг бўйиндан юқориги, олдинги (одамда, ҳайвонларда) қисми; калла. *Бош косаси (анат.). Бошмия. Бошкийимлар магазини. Дўст бошга боқар, Душман – оёққа. Мақол.*

Бошга тушган (ёки келган) Ҳаётда учраган, дуч келган; пешонасига ёзилган. *Бошга тушганни кўз кўрар. Мақол. Ўзбек ойим ҳам бошига тушган бу кулфатни кўришга мажбур эди.*

2 *кўчма* Ақл-ҳуш, мия. *Бош билан иш қилмоқ. Тогнинг кўрки тош билан, одамнинг кўрки бош билан. Мақол.*

Бош оғритмоқ (ёки қотирмоқ) 1) каттиқ ўйламоқ, фикр юритмоқ; ташвиш қилмоқ. *Ҳаётни мукамал қиламан, деб сиздан олдин ҳам не-не одамлар бош қотирган. Ҳосил Ёқубов нозикроқ бир нарса устида бош қотириб ўтирган экан...* 2) мияни ачитмоқ, гаранг қилмоқ. *Агар бошни оғритмоқчи бўлсангиз – катта кўча; тўрт томонингиз қибла. Бошига келмоқ* Миясига, эсига келмоқ. *Шу савол бошига келганда, кўзига тўсатдан Канизак кўриниб, Сидиқжоннинг юраги ўйнаб кетди. А. Қахдор, Қўшчинор чироклари.*

3 *Бошлиқ, раҳбар. Яхши йигит — давранинг боши. Мақол. Яхши хотин эрни элга бош қилур, Ёмон хотин эрини гадо қилур. Мақол. Ёмонга бош бўлгунча, яхшига йўлдош бўл! Мақол.*

4 *сфт.* Лавозим, мансаб жиҳатдан катта, юқори турувчи. *Бош врач. Бош агроном. Бундан сўнг ҳам бош мирзолигингизни эмас, мирза Анвар-лигингизни эҳтиром қиламиз. А. Қодирий, Мехробдан чаён.*

5 *Улкан, катта, асосий. Озгина юргач, «Богизогон»нинг бош арки олдидан чиқдилар. Ойбек, Навоий. Мана Хоразмнинг жанубий бош дарвозаси. И. Жабборов, Кўхна харо-балар сири. Бош соврин таъсис этилди.. Газетадан.*

Бош ҳарф *тлш.* Катта ҳарф. *Ёзувда ҳар бир гап бош ҳарф билан бошланади.*

6 *сфт.* Энг муҳим, асосий, етакчи. *Бош масала. Бош сабаб.*

Санаб ўтилган одатдаги сўзларни термин деб қабул қилинар экан, ўша сўз ифодаладиган тушунча белгилари ёки маъноларидан биттаси термин англатиши лозим предметнинг бирор муҳим белгисини ифодалаш лозим. Бундай сўзлар термин бўлиши учун улар олимлар томонидан таърифланади ва

мантиқан қандай маъно англатиши чегаралаб кўрсатилади. Шундан сўнг қайси соҳанинг термини эканлиги қайд этилади. Сўзнинг семантик тараққиёти тилда янги сўзнинг юзага келишига сабаб бўлади ва у тил терминологиясини бойитишга хизмат қилади.

Терминологияни тартибга солишнинг самарадорлиги терминлар бевосита қўлланадиган қуйидаги ҳолатларда яққол кўринади: касбий таълимни тўғри ташкил этишда, ишлаб чиқариш амалиётида бўладиган оғзаки муомалада, илмий ва ишлаб чиқариш жараёнларидаги ўзаро ёзишмаларда, матбаачиликда (илмий, ўқув, ишлаб чиқариш кабиларга оид адабиётларни нашр этишда), чет эл адабиётларини таржима қилишда ва ҳоказо.

Тилшуносликда терминларнинг ўзгариши ҳамда янги терминларнинг пайдо бўлиши фан ва техника тараққиёти билан узвий боғлиқдир. Бу ҳақда тилшунос олим Л.И.Божно қуйидагиларни таъкидлайди: «Техника тараққиёти таъсирида терминология ўзаро алоқадор икки қонуният асосида, биринчидан, илмий-техника прогресси қонуниятлари билан, иккинчидан, тил ривожланишининг умумий қонуниятлари билан боғлиқ равишда ўзгариб боради»¹. Техник малаканинг эндиликда маълум тор доирадан чиқиб, оммавий характерга эга бўлаётганлиги ва турли соҳаларнинг мутахассислари кундалик фаолиятида фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланаётганлиги терминларга бўлган юксак талаб билан унинг ҳозирги ҳолати орасидаги номувофиқликни бартараф этишни талаб этади. Чунки ҳаётда фан ва техника тараққиёти қанчалик катта аҳамиятга эга бўлса, уни эгаллаш, бошқариш ва тараққий эттириш учун терминлар ҳам шунчалик муҳим аҳамиятга моликдир.

Адабиётлар

1. Турсунов У. Ўзбек адабий тилида сўз-терминлар танлаш принциплари. – Самарқанд, 1956.
2. Ақобиров С. Тил ва терминология. –Тошкент, 1968.
3. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари.–Тошкент: Фан, 1985.
4. Даниленко В.П. Лексико семантические и грамматические особенности слов-терминов // Исследования по русской терминологии.-М.,1971.
5. Ўринбоев Б. Ўзбек терминологияси У.Турсунов талқинида. Тилшуносликнинг долзарб масалалари (Илмий мақолалар тўплами) III. Тошкент, 2006.